

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НОРОВА МАВЖУДА БАХОДУРОВНА**

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН ОҒРИГАН БОЛАЛАРНИНГ  
БОШ ВА ЮЗ-ЖАҒ СОҲАЛАРИ АНТРОПОМЕТРИК  
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ СОЛИШТИРМА ТАҲЛИЛИ**

**14.00.02 – Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Норова Мавжуда Баходуровна**

Қандли диабет билан оғриган болаларнинг бош ва юз-жағ соҳалари антропометрик кўрсаткичларини солишиштирилди таҳлили .....	3
---	---

**Норова Мавжуда Баходуровна**

Антропометрические параметры головы и челюстно-лицевой области детей с сахарным диабетом и их связь с показателями физического развития .....	23
---	----

**Norova Mavjuda Baxodurovna**

Anthropometric parameters of the head and maxillo facial region of children with diabetes mellitus and their relationship with physical development indicators .....	43
--	----

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ List of published works .....	47
--	----

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НОРОВА МАВЖУДА БАХОДУРОВНА**

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН ОҒРИГАН БОЛАЛАРНИНГ  
БОШ ВА ЮЗ-ЖАҒ СОҲАЛАРИ АНТРОПОМЕТРИК  
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ СОЛИШТИРМА ТАҲЛИЛИ**

**14.00.02 – Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Tib301 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) «ZiyoNet» ахборот-таълим порталаida ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Тешаев Шухрат Жумаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар**

**Тухтаев Қодир Рахимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Орипов Фирдавс Суръатович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: +99871 150-78-14.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Г.И.Шайхова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Ж. Эрматов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**У.М.Миршарапов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотлариiga қўра бугунги кунда қандли диабет болалар орасида кўп учрайдиган йигирма биринчи асрнинг ноинфекцион эпидемиологик касалликларидан бири ҳисобланади<sup>1</sup>. Халқаро диабет федерацияси (IDF)нинг келтиришича, 2000 йилда дунё бўйича 395000 нафар 1-тур қандли диабет билан хасталанган болалар ҳисобга олинган. 2017 йилда 20 ёшгача бўлган биринчи тур қандли диабет билан хасталанган bemорларнинг сони 1 млн. 106 минг, улардан 586 минг нафари (ёши<15дан кичик бўлган) болаларни ташкил қилган ва энг юқори касалланиш кўрсаткичлари АҚШ, Ҳиндистон ва Бразилияда кузатилган<sup>2</sup>. Шу жиҳатдан болалар орасида қандли диабет билан хасталанган болалар бош ва юз-жағ соҳалари антропометрик кўрсаткичларини аниқлаш ва баҳолаш бугунги кунда морфологлар олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда қандли диабет билан оғриган болаларнинг бош ва юз-жағ соҳалари антропометрик кўрсаткичлари самарадорлигини ошириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, биринчи турдаги қандли диабет билан оғриган болалардаги I–II даврида жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ва соғлом болалар кўрсаткичлари билан таққослаш, болаликнинг I–II даврида бўлган соғлом болаларнинг антропометрик кўрсаткичларини тадқиқ қилиш ва уларни қандли диабет билан оғриган болалар маълумотлари билан таққослаш, биринчи типдаги қандли диабет билан оғриган болалар юз соҳасининг морфометрик кўрсаткичларини ўрганиш ва уларни соғлом болалар кўрсаткичлари билан солишириш муҳим аҳамият касб этади<sup>3</sup>. Шунингдек, қандли диабет билан оғриган болалар тиш-жағ тизим ўлчамларининг ўзига хос бўлган хусусиятларини соғлом болалар кўрсаткичлари билан таққослаш, биринчи тур қандли диабет билан оғриган болаларнинг суюқ ёши ва уларни соғлом болалар кўрсаткичлари билан таққослаш механизмини такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга.

Мамлакатимизнинг тиббиёт соҳасини ривожлантириш, замонавий асбоб-ускунлар билан таъминлаш, турли соматик касалликларнинг олдини олиш, болалар ва ўсмирлар орасида қандли диабет асоратларини камайтириш тиббиёт ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Ушбу вазифаларни мақсадли бажариш 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оналик ва болаликни

<sup>1</sup> ЖССТ маълумотлари, 2017 йил

<sup>2</sup> IDF Diabetes Atlas, 8th edition. Brussels: International Diabetes Federation; 2017

<sup>3</sup> И.И. Дедов, М.В. Шестакова, В.А. Петеркова, О.К. Викулова, А.В. Железнякова, М.А. Исаков, Д.Н. Лаптев, Е.А.Андранинова, Т.Ю. Ширяева. Сахарный диабет у детей и подростков по данным федерального регистра Российской Федерации: динамика основных эпидемиологических характеристик за 2013–2016 гг./Журнал сахарный диабет.- 2017; 20(6):392-402.

муҳофаза қилиш...»<sup>4</sup> бўйича bemorlarغا кўрсатилаётган ихтисослаштирилган тиббий хизматни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сонли «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича 2014 – 2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» Қарорлари ҳамда мазкур фаoliyatга тегишли бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қандли диабетнинг биринчи тури турли популяцияларда турли даражада тарқалиши билан баҳоланади. Касалланиш ва тарқалиш дунёning турли мамлакатларида турли даражада учраши қатор олимларнинг илмий тадқиқотларида келтирилган. Diamond Project (The DIAMOND, 2006) миллий лойиҳаси асосида дунёning 70 та давлатида олиб борилган тадқиқотлар натижасида тўпланган маълумотлар бўйича болалар орасида қандли диабетнинг ассоцирланиши касалликнинг интермиллий стандарт маълумотлари, таҳлика омиллари ва ўлим кўрсаткичлари тўпланган. Кенг қамровли эпидемиологик тадқиқотлар натижасида қандли диабетнинг биринчи тури турли давлатларда касалланиш даражаси сезиларли вариабилликка эгалиги исботланган (Ю.И.Сунцов, 2011, Л.Л.Болотская 2014, О.В.Маслова, И.В.Казаков, 2018). Бир мамлакатнинг турли минтақаларида турли этник популяцияларида касалланиш даражаси пастлиги турлича асосланган. Охирги ўн йилликда эпидемиологик тадқиқотлар натижасида беш ёшгача болалар орасида касалликнинг кескин кўпайиши кузатилмоқда. Россия Федерациясида охирги ўн йилда қандли диабетнинг биринчи тури тарқалиши болалар орасида 35,7% (100000 аҳолига 59,4 дан 80,6 гача), ўсмирларда 68,9% (100000 аҳолига 108,5 дан 183,5 гача), катталарда эса 45,53% (100000 аҳолига 224,5 дан 229,8 гача) эканлиги исботланган (О.В.Маслова, И.В.Казаков, 2018).

Ўзбекистонда илк бор қандли диабетнинг биринчи турини эпидемиологик маълумотлар асосида Н.М.Алиханова (1998) таҳлил қилган, 100000 аҳолига тарқалиш даражаси 6,8, касалланиш кўрсаткичи 1,6, ўлим кўрсаткичи эса 4,0 ни ташкил қилган. Мамлакатимизда ўсмирлар орасида 2000 йилгacha қандли диабетнинг биринчи тури бўйича эпидемиологик таҳлил олиб борилмаган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

Н.М.Алиханова (1998) ва К.С.Сафаева (1999) тадқиқотларидан кўриниб турибдики, касаллик оқибатида микротомирлар-даги асоратларнинг тарқалиши 50% гача, углевод алмашинуви ўрнини босиш даражасининг пастлиги, қандли диабетнинг биринчи тури бўйича болалар ва ўсмирлар орасида ўлим даражасининг юқорилиги қайд этилган. Бироқ Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлар орасида қандли диабет билан касалланган болаларнинг бош ва жағ соҳалари антропометрик кўрсаткичлари ўрганилмаган. Илмий адабиётларда келтирилган маълумотлардан республикамизда қандли диабетли болаларни ташхислаш ва унинг олдини олиш борасида етарли даражада маълумотлар йўқлиги, қандли диабет билан касалланган болаларнинг бош ва жағ соҳалари антропометрик кўрсаткичларини ўрганиш ушбу муаммонинг долзарблигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан мослиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Атроф-муҳит ноқулай омиллари таъсирини болалар ва ўсмирларнинг антропометрик кўрсаткичлари ва жисмоний ривожланишга таъсирини ўрганиш» (2013–2015) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қандли диабетнинг биринчи тури билан хасталанган болалар бош, юз-жағ соҳасининг антропометрик кўрсаткичларини қиёсий баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Биринчи типдаги қандли диабет билан оғриган болаликнинг I–II даврида бўлган болалар жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини ўрганиш ва соғлом болалар кўрсаткичлари билан таққослаш.

Болаликнинг I–II даврида бўлган соғлом болаларнинг антропометрик кўрсаткичларни ўрганиш ва уларни қандли диабет билан оғриган болалар маълумотлари билан таққослаш.

Биринчи типдаги қандли диабет билан оғриган болалар юз соҳасининг морфометрик кўрсаткичларини ўрганиш ва уларни соғлом болалар кўрсаткичлари билан солиштириш.

Қандли диабет билан оғриган болалар тиш-жағ тизим ўлчамларини (тиш чиқиши муддатлари) ўзига хос бўлган хусусиятларини тадқиқ қилиш ва бу кўрсаткичларни соғлом болалар кўрсаткичлари билан таққослаш.

Биринчи тип қандли диабет билан оғриган болаларнинг суюк ёшини ўрганиш ва уларни соғлом болалар кўрсаткичлари билан таққослаш.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида Республика эндокринология илмий-амалий маркази ва Бухоро вилояти эндокринология диспансериidan назорат остига олинган 1113 нафар биринчи турдаги қандли диабет билан хасталанган 3–12 ёшгacha бўлган болалар ва 908 нафар (улардан 453 нафар ўғил болалар ва 455 нафар қиз болалар) боладан соғлом болалар олинган (жами 2021 нафар бола).

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида илмий тадқиқотлар асосида биринчи тур қандли диабет билан хасталанган болаларнинг бош, юз-жағ соҳасининг антропометрик ва морфометрик кўрсаткичлари материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуllари.** Кўйилган вазифаларни бажариш мақсадида антропометрик, функционал ташхислаш, рентгенографик, телегентгенографик ва статистик усуllардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

илк бор инсулинга боғлиқ бўлган қандли диабет билан хасталанган болалар краниофициал соҳасининг морфометрик кўрсаткичлари асосланган;

қандли диабетнинг биринчи тури билан оғриган болаларда юз-жағ соҳаси ва бошнинг антропометрик ўлчамларининг соғлом болалар натижалари билан таққослашдаги фарқли хусусиятлари очиб берилган;

инсулинга боғлиқ бўлган қандли диабет билан хасталанган болаларда юз-жағ соҳаси ва бошнинг антропометрик ўлчамлари соғлом болаларга нисбатан иккала жинсдаги ёшга мос равишда ўзгаришлари исботланган;

илк бор қандли диабет билан хасталанган болаларнинг биологик ёш даражасини паспорт ёшидан ортда қолиши кўрсаткичлари қизларда сезиларли тарзда намоён бўлиши исботланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

қандли диабетнинг биринчи тури билан оғриган болалар ва соғлом болаларнинг краниофициал соҳаси ривожланиш қонуниятлари тўғрисидаги тасаввурлар кенгайтирилган;

қандли диабетнинг биринчи тури билан хасталанган болаларда диспансер кузатув стратегиясини ишлаб чиқиш ва уларга режали стоматологик ёрдам кўрсатиш режасини амалга ошириш имконини берган;

ишлаб чиқилган натижалари болалар стоматологияси ва педиатрия, клиник анатомия кафедраларининг ўкув жараёнига татбиқ этилган.

қандли диабетнинг биринчи тури билан хасталанган болаларнинг краниофициал соҳаси морфометрик параметрлари ёш бўйича нотекис ўзгаради ва бу параметрларнинг силжиши «олтин кесим» мезони асосида юзага келган;

қандли диабет билан азият чекувчи болаларда сүяқ ёшини паспорт ёшидан ортда қолиши, шунингдек, тиш ёшини паспорт ёшидан ортда қолиши, юз-жағ соҳа параметрларида ортда қолишнинг юзага келишидан гувоҳлик берган;

қандли диабетнинг биринчи тури билан оғриган болаларда касаллик кечишининг комплекс таҳлили краниофициал соҳа морфометрик кўрсаткичларининг ўзгаришини ўлчашни ҳисобга олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуllар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, bemорлар сонининг етарлилиги, объектив клиник, эпидемиологик, анкеталаш, антропометрик, рентгенологик ва статистик усуllар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, қандли диабет билан оғриган болаларнинг бош ва юз-жағ соҳалари антропометрик кўрсаткичларини қиёсий таҳлилини

олиб бориши тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошнинг антропометрик ўлчамларини ўрганиш бўйича замонавий ҳолатни баҳолашга, назарий билимларни юзнинг морфометрик кўрсаткичларига оид назарий билимлар даражасини кенгайтириш, юқори ва қўйи жағларнинг мослик ҳолатини аниқлаш, тишлар алмашиниш даврида тиш-жағ параметрлари ўзгаришини ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, қандли диабетда қизлар ва ўғил болаларда сут ва доимий тишларни ёриб чиқишини ўзига хос хусусиятларини ўрганиш имконини бериб, бу маълумотлар илмий фаолиятнинг турли соҳаларида қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қандли диабет билан оғриган болаларда юз ва тиш-жағ тизими, бошнинг морфометрик параметрлари кўрсаткичлари ва шаклланишининг асосий принциплари аниқланди. Бу эса профилактик чора тадбирларни тўғри ташкил этиш имконини беради. Тадқиқот натижаларини клиник анатомия, эндокринология, педиатрия, стоматология бўйича амалий машғулотлар олиб боришида, маърузалар ўқищда, тиббиёт институтлари талабалари томонидан мустақил ишларни бажаришда янги манба сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қандли диабет билан хасталанган болаларнинг бош ва юз-жағ соҳалари антропометрик кўрсаткичларини жисмоний ривожланишга боғлиқлиги» услугубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 14 ноябрдаги 8н-з/195-сон маълумотномаси). Мазкур услугубий қўлланма мамлакатимизда қандли диабет билан хасталанган болаларда касалликнинг бош ва юз-жағ соҳалари антропометрик кўрсаткичларини жисмоний ривожланишга таъсирини баҳолаш имконини берган;

қандли диабет билан хасталанган болаларнинг бош ва юз-жағ соҳалари антропометрик кўрсаткичларини солиштирма таҳлили бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти эндокрин диспансери ва Бухоро вилояти болалар стоматология диспансери, Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли шифохонаси клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 июнданги 8н-з/149-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши қандли диабетнинг биринчи тури билан хасталанган болаларда касалликнинг бош ва юз-жағ соҳалари патологик ҳолатлар ва нуқсонларни 22,2%га камайтириш антропометрик кўрсаткичларни жисмоний ривожланишга таъсирини ва морфометрик кўрсаткичларнинг ўзгаришини эрта аниқлаш, беморларнинг умр кўриш даврийлигини узайтириш, ногиронликнинг олдини олиш ва даволаш профилактик ёрдам сифатини ошириш имконини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг аprobацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот обьекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Қандли диабет билан хасталанган болалар бош ва юз-жағ соҳалари антропометрик ўлчамлари замонавий муаммолари» деб номланган биринчи бобида сўнгги йилларда болалардаги бош, юз ва тиш-жағ тизимининг морфометрик параметрлари, қандли диабет билан оғриган ҳамда эркак ва аёл жинсидаги соғлом шахсларнинг қиёсий антропометрик кўрсаткичлари тўғрисида илмий нашрларда баён этилган маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Қандли диабет билан оғриган ва соғлом болаларнинг бош ва юз-жағ соҳалари антропометрик кўрсаткичларини аниқлаш материал ва усуслари» деб номланган иккинчи бобида муаммони ечишни таъминловчи тадқиқот усуслари ва уларга услубий ёндошув маълумотлари баён этилган. Мазкур диссертацион тадқиқот ишларини олиб бориш учун болаларнинг тиш ва суюк ёши, бош, юз, тиш-жағ тизимининг морфометрик параметрларини баҳолаш ва ўрганиш учун, қандли диабетнинг I типи билан оғриган 3 ёшдан 12 ёшгacha бўлган Ўзбекистонда доимий истиқомат қилувчи ҳар икки жинсдаги 1113 нафар бола ўрганилди (1-гурух), (улардан 464 нафари 41,6% ва 649 нафари қиз болалар 58,4%). Олинган морфометрик параметрларни таққослаш учун Ўзбекистонда доимий истиқомат қилувчи, амалий жиҳатдан соғлом бўлган болалар гурӯҳи танлаб олинди (2-гурух), бу гурӯҳга 3 ёшдан 12 ёшгacha бўлган ҳар икки жинсдан 908 нафар бола, яъни (453 нафар ўғил  $49,9 \pm 1,7\%$  ва 544 нафар қиз бола  $50,1 \pm 1,7\%$ ). Болаларни истиқомат қилиш жойи бўйича гурӯҳларга тақсимлаш қўйидагича: қандли диабетнинг I тури билан оғриган болалар (1-гурух – n=1113 нафар), қишлоқ шароитида

яшовчи болалар 606 нафар (54,5%); шаҳар шароитида истиқомат қилувчилар 507 (45,5%) нафар болаларни ташкил этди. Соғлом болалар (2-гурух – n=908 нафар), улардан қишлоқда истиқомат қилувчилар 377 нафар (41,5%); шаҳарда истиқомат қилувчилар эса 531 нафар (58,5%) болани ташкил этди.

### 1- жадвал

#### Умумий текширилган болаларнинг ёш ва жинс таркиби бўйича тарқалиши, n=2021

Ёш	Ўғил болалар		Қиз болалар		Жами
	соғлом	қандли диабет билан оғриган	соғлом	Қандли диабет билан оғриган	
3	27	16	27	26	96
4	26	24	25	32	107
5	26	26	26	50	128
6	59	32	55	52	198
7	88	64	112	66	330
8	93	52	63	77	285
9	25	60	26	102	213
10	39	79	63	87	268
11	45	64	32	76	217
12	25	47	26	81	179
<b>Жами:</b>	<b>453</b>	<b>464</b>	<b>455</b>	<b>649</b>	<b>2021</b>

Сўнгра эса текширишда иштирок этган болаларнинг ёш-жинс таркиби бўйича тоифаларга тақсимланди. Текширишда иштирок этган болаларни жинсий жиҳатдан етилгунча уларни ўрганиш ёш даври бўйича эмас, балки йиллар бўйича ўрганиш мақсадга мувофиқдир (Л.К.Семенова, 1991).

1-жадвалдан кўриниб турибдики, биз томонимиздан ўрганилган ўғил ва қиз болаларнинг ёш таркиби тадқиқотда иштирок этган болаларнинг умумий миқдорига мос келади ва олиб борилган тадқиқотлар ҳажми ишончли натижаларни олишга ҳамда хулоса беришга имкон яратади.

Тадқиқотда иштирок этган барча болаларнинг жисмоний ривожланиши тўғрисидаги морфометрик маълумотларни ўрганиш (МТМ тарбияланувчи-лари, ўрта умуттаълим мактаб ўқувчилари, Республика эндокринология илмий-амалий марказида даволанишда бўлган болалар, Бухоро вилояти эндокринология диспансери) ушбу муассасаларнинг тиббий пунктларида, шифокор ёки тиббиёт ҳамшираси иштирокида амалга оширилди.

Болаларни антропометрик текшириш Н.Х.Шомирзаев ва ҳаммуаллифлар томонидан тавсия этилган усул бўйича олиб борилди (1998). Тадқиқотда иштирок этган болаларнинг бош параметрларининг морфометрик тавсифини ўрганиш 5 та кўрсаткич бўйича олиб борилди: бош мия айланасини ўрганиш учун ўлчов лентасини горизонтал йўналишда қўйилди: олдиндан у глабелла орқали ўтади, орқадан эса орқа энса дўнги орқали ўтади; бош мия узунлигини ўрганиш учун (бошнинг кўндаланг диаметри) тазомердан фойдаланилди. Ўлчаш пешонанинг юқори қисми ва энсаннинг ташқи дўнги орқали амалга оширилди; бош миянинг кенглигини аниқлаш учун (бошнинг кўндаланг

ўлчами) худди шундай тазомер асбобидан фойдаланилди. Бунда ўлчаш бошнинг чакка дунгининг энг юқори қисми оралиғи орқали олиб борилди; бошнинг вертикал ёки юқори диаметрини аниқлаш учун тазомердан фойдаланилди ва ўлчаш пешона сүякларининг бирикиш нуқталарининг оралиғи ҳамда ҳар икки чакка суяги ўртасида олиб борилди (қулоқ супачаси ва тил ости суяги соҳасида). Пешонанинг кўндаланг ўлчамини аниқлаш учун тазомердан фойдаланилди.

Тадқиқотда иштирок этган болалар юзининг антропометрик кўрсаткичларини ўлчаш учун махсус циркул ва ўлчаш лентасидан фойдаланилди.

Тадқиқотда иштирок этган болалар юзи морфометрик тавсиф параметрлари 4 та кўрсаткич бўйича олиб борилди: ёноқ диаметри тазомер ёрдамида ўлчанди; қуий жағ диаметри тазомер ёрдамида ўлчанди; юзнинг морфологик баландлиги тазомер ёрдамида ўлчанди; юзнинг физиономик баландлиги тазомер ёрдамида ўлчанди.

Юқори ва пастки жағлар юз ҳамда тиш қаторлари ҳолатини қиёсий ўрганиш учун панорамали ренгтгенография ўтказилди. Бунинг учун 2012 йилда Италияда ишлаб чиқарилган «FONA X Pan Plus» рентген аппаратидан фойдаланилди, бундан асосий мақсад тадқиқотда иштирок этган болаларнинг юқори ва қуий жағлари ҳолатини қиёсий баён этишдир (Персин Л.И., 2007).

Болалардаги суяк ёшини аниқлаш учун М.А.Жуковский ва бошқалар томонидан таклиф этилган боланинг чап қўл бармоқлари ва билак бўғинини рентгенограмма қилиш усулидан фойдаланилди (1982).

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7.0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Тадқиқот маълумотларини статистик қайта ишлашда ўртacha арифметик катталикни ( $M$ ) ҳисоблаш билан вариацион статистика усули, ўртacha арифметик катталик хатоликлари ( $\pm m$ ) ва нисбий катталик (частота %)ларда қўлланилди. Олинган ўзгаришларнинг статистик аҳамияти ўртacha катталиклар билан таққосланиб Стыодент мезони бўйича аниқланди ( $t$ ) ва бунда хатоликлар эҳтимоли ҳисобланади ( $P$ ). Статистик белгилар ўзгариши учун ишончлилик даражаси қабул қилинди  $P<0,05$ .

Диссертациянинг **«Соғлом ва қандли диабет билан оғриган болаларнинг жисмоний ўсиш кўрсаткичлари солиштирма таҳлили»** деб номланган учинчи бобида соғлом болаларнинг жисмоний ривожланиши ва 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган қандли диабет билан оғриган болаларнинг ривожланиш натижалари келтирилган. З ёшдан 12 ёшгача бўлган соғлом болалар танасининг оғирлиги, танасининг узунлигига нисбатан тезроқ катталашади. З ёшдан 12 ёшгача бўлган ўғил болалар бўйи 1,57 марта ошса, қизларда 1,64 марта ташкил этади; тана оғирлиги эса ўғил болаларда 2,71 марта ошса, қизларда эса 2,79 марта ташкил этади. Ўғил болалар бўйига оид масалаларга келсак, уларда ЎЭЮТ 5 (7,9%) ва 7 (8,8%), энг ками эса 10 (2,8%) ва 11 (2,4%), вазн курсаткичи ЎЭПТ 6 ёш (19,9%) ва 8 ёш, камроқ 4 (7,5%) ва 9 (5,9%) ёшга тўғри келади.

Жисмоний ривожланиш кўрсаткичларидан ЎЭЮТ қизларда 5 (10,0%) ва 7 (9,3%), энг кам кўрсаткич 8,11 (3,2%) ва 12 (2,0%) ёшга мос келади. Тана оғирлигининг ЎЭЮТ 4 (15,1%) ва 8 (15,6%), ЎЭПТ 9 (11,0%) ва 11 ёшга (2,0) мос келади.

3 ёшдан 12 ёшгача бўлган даврда қўкрак қафаси айланасининг ўлчами соғлом болаларда 1,44 мартаға ортади, қизларда эса 1,45 мартаға ортади. Ўғил болалардаги ЎЭЮТ 6 (10,2%) ва 7 (7,5%) ёшда аниқланса, қизларда бу кўрсаткич 4 (8,8%) ва 9 (5,2%) ёшда, ўғил болаларда ЎЭПТ 8 (1,5%) ва 11 (1,7%), қиз болаларда эса 8 (2,2%) ва 11 (2,5%) ёшни ташкил этди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдик, ҚДнинг I тури билан оғриган 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган ўғил болаларнинг тана оғирлиги 2,65 мартаға ортади. ЎТнинг энг юқори ўсиш даври 6 (19,6%) ва 8 (16,6%), ЎЭПТ эса 5 (7,5%) ва 9 (6,3%) ёшни ташкил этди.

ҚДнинг I тури билан оғриган 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган ўғил болалар бўйининг ўсиш даражаси 1,58 мартаға ортади. ЎЭЮТ 5 (7,8%) ва 7 (8,9%) ёшда, ЎЭПТ эса 8 (2,9%) ва 11 (2,2%) ёшда кузатилди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдик, ҚДнинг I тури билан оғриган 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган қиз болаларнинг тана оғирлиги 2,71 мартаға ортади. ЎЭЮТ юқори ўсиш вақти 4 (14,0%) ва 6 (13,8%) ёш, ЎЭПТ эса 11 (1,7%) ёшни кўрсатди.

ҚДнинг I тури билан оғриган 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган қиз болалар бўйининг ўсиш даражаси 1,64 мартаға ортади. ЎЭЮТ 5 (9,9%) ва 7 (9,4%) ёшда, ЎЭПТ эса 8,11 ёшда (3,1%) ва 12 (2,0%) ёшни ташкил этди.

3 ёшдан 12 ёшгача бўлган даврда қўкрак қафаси айланасининг ўлчами қиз ва ўғил болалардаги ҚДнинг I тури билан оғриганларда 1,43 мартаға ортади. Ўғил болалардаги ЎЭЮТ 6 (10,1%) ва 7 (7,6%) ёшда аниқланса, қизларда бу кўрсаткич 4 (8,6%) ва 9 (5,4%) ёшда, ўғил болаларда ЎЭПТ 8 (0,5%) ва 11 (1,8%), қизларда эса 8 (1,5%) ва 11 (2,6%) ёшни ташкил этди.

Диссертациянинг «**Соғлом болалар краниофациал соҳаси антропометрик кўрсаткичлари ва суяк ёши таҳлили**» деб номланган тўртинчи бобида ҳар икки жинсдаги 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган соғлом болаларнинг юз-жағ соҳаси ва бошнинг антропометрик параметрлари натижалари келтирилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдик, 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган соғлом болаларда бош суюгининг айланаси 1,16 мартаға ортади (16,0%). Ўсиш темпининг (ЎТ) энг юқори кўрсаткичи 7 (2,6%) ва 8 (3,3%) ёшда аниқланса, ЎЭПТ эса 9 (0,4%) ва 12 (0,7%) ёшда аниқланади. Бош суюгининг кўндаланг диаметри 1,12 мартаға ортади (12,0%). ЎТнинг энг юқори кўрсаткичи 8 (5,2%) ва 9 (8,8%) ёшда, энг паст кўрсаткичи эса ЎТ 0% га тенг бўлган 4,7,9 ва 12 ёшда аниқланади. Бошнинг кўндаланг ўлчами 1,45 мартаға ортади (45,0%). ЎТЮК 6 (11,7%) ва 7 (10,4%) ёшда аниқланади, ЭПК эса 5 (1,0%) ва 12 (0%) ёшда аниқланади. Пешонанинг кўндаланг ўлчами 1,27%га ортади (27%). ЎЭПТ 6 (6,0%) ва 12 (5,0%) ёшда, ЎЭПТ эса 4(1,0%) ёшни, 7 (1,8%) ва 9 (1,8%) ёшларда кузатилади. Бошнинг вертикал диаметри 1,29 марта ортади (29,0%). Бунда ЎТнинг 5 (5,5%) ва 12 (5,2%) ёшни, ЎЭПТ эса -4 (0,9%) ёшни ва 8 (0,8%) ёшни ташкил этади. Ёноқ диаметри 1,14 мартаға (14,0%)

ортади. ЭЮЎТ 5 (8,0%) ёшни, ЎЭПТ эса 6,10, 11 ёшни ташкил этади, чунки айнан шу ўшда ЎТ (0%) ни ташкил этади. Қуий жағ диаметри 1,29 марта ортади (29,0%). ЎЭЮТ 7 (5,6%) ва 8 (5,3%) ёшни, ЎЭПТ эса 4 (0,2%) ва 10 (0%) ёшни ташкил этади. З ёшдан 12 ёшгача бўлган даврда краниофициал соҳанинг ўлчанган 7 та морфометрик параметрлари орасида энг юқори кўрсаткични бошнинг кўндаланг ўлчами (1,45 марта) ташкил этган бўлса, бошнинг вертикал диаметри (1,29 марта) ва қуий жағ диаметри эса (1,29 марта) ташкил этди. Ушбу 7 та параметр бўйича энг кичик ўсиш кўрсаткичи бош айланаси кўрсаткичига тўғри келиб, у (1,16 марта), бошнинг кўндаланг диаметри (1,12 марта) ва ёноқ диаметри (1,14 марта)ни ташкил этди.

Шу нарса аниқландики, З ёшдан 12 ёшгача бўлган соғлом қиз болалар бош айланаси 1,15 марта (15,0%) га ортади. ЎТ 6 (2,7%) ва 7 (2,6%) ёшни, энг паст кўрсаткич эса 9 (0,8%) ва 12 ёш (0,6%) ни ташкил этди. Бошнинг кўндаланг диаметри 1,09 марта ортади (9,0%). ЎТ 10 (3,9%) ёшда, энг паст темпи (ПТ) эса -8 ва 12 ёшда (0%) аниқланди. Бошнинг кўндаланг ўлчами 1,35 марта ортади (35,0%). ЎТи 6 ёшда (9,8%) ва 7 (8,9%) ёшда ва энг кам кўрсаткич эса 4 (0%) ва 5 (1,0%) ёшда аниқланди. Пешонанинг кўндаланг ўлчами 1,13 марта ошганлиги аниқланди (13,0%). ЎТ 9 (2,8%) ва 11 (2,7%) ёшда, ЎЭПК эса 5 дан 8 ёшгача бўлган болаларда кузатилди, уларда ЎТи нолга тенг бўлди. Бошнинг вертикал диаметри 1,18 марта ошганлиги аниқланди. ЎЭЮТ 4 (2,8%) ва (8,3%) ёшли болаларда кузатилган бўлса, ЎЭПТ эса 7-10 ёшгача бўлган болаларда кузатилган бўлиб, уларда ўсиш даражаси нолга тенг бўлди. Ёноқ диаметри 1,11 марта ошганлиги маълум бўлди. ЎЭЮТ 6 (2,2%), 7 ва 8 (2,1%дан) ёшлиларда аниқланган бўлса, энг ЎЭПТ 10 ва 11 ёшлиларда (0%) аниқланди. Қуий жағ диаметри 1,19 марта ошганлиги (19,4%) аниқланди. ЎТ 8 (5,2%) ва 10 (3,7%) ёшлиларда, ЎЭПК эса 9 (0%) 11 ва 12 ёшлиларда (1,2%) кузатилди.

Болаликнинг биринчи ва иккинчи даврида (3-12 ёшгача) краниофициал соҳадаги тадқиқ қилинган 7 та морфометрик параметрлардан энг юқори ЎТ бошнинг кўндаланг ўлчами бўйича (1,35 марта), бошнинг вертикал диаметри (1,18 марта) ва қуий жағ диаметрида (1,19 марта) кузатилди. Ушбу 7 та параметр бўйича ўсишнинг энг ПК бошнинг кўндаланг диаметрида (1,09 марта) ва ёноқ диаметри (1,11 марта) кўрсаткичларида аниқланди.

З ёшдан 12 ёшгача бўлган соғлом ўғил болаларнинг антропометрик параметрларни шу ўшдаги соғлом қизлар параметрлари билан солиширилганда ЎТ бўйича бош айланасининг параметрлари, бошнинг кўндаланг диаметри, бошнинг кўндаланг ўлчами, пешонанинг кўндаланг ўлчами ва бошнинг вертикал диаметри бўйича ўғил болаларнинг кўрсаткичлари қиз болаларнига нисбатан юқори бўлиши, ёноқ параметрлари ва қуий жағ диаметри бўйича эса натижалар қиз болаларда юқори натижаларга эга эканлиги маълум бўлди. З ёшдан 12 ёшгача бўлган даврда бошнинг антропометрик параметрлари эркак жинсидаги шаклларда юқори бўлиши, жағ-юз параметрлари эса аёл жинсидаги шахсларда юқори бўлиши маълум бўлди.

Диссертациянинг «Қандли диабет билан хасталанган болалар краинометрик соҳаси антропометрик кўрсаткичлари ва суяқ ёши таҳлили» деб номланган бешинчи бобида қандли диабетнинг I типи билан оғриган 3–12 ёшдаги болаларнинг юз-жағ соҳаси ва бошининг антропометрик кўрсаткичлари келтирилган. Тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, ҚДнинг I тури билан оғриган 3–12 ёшдаги эркак жинсидаги болалар бош суюгининг айланаси 1,162 марта (16,2%) ортганлиги аниқланди. ЎЭЮТ 4 (2,6%) ва 8 (2,6%) ёшдаги болаларда, ЎЭПТ эса 9(0,8%) ва 12 (0,8%) ёшдаги болаларда аниқланди. Бошнинг кўндаланг диаметри эркак жинсидаги ҚДнинг I тури билан оғриган 3–12 ёшдаги болаларда 1,17 марта (17,0%) ортади. ЎЭЮК 4 (2,9%) ва 8 (2,7%) ёшдаги болаларда кузатилган бўлса, ЎЭПТ эса 10 (0,6%) ва 12 (0,6%) ёшдаги болаларда аниқланди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бошнинг кўндаланг ўлчами ҚДнинг I тури билан оғриган 3–12 ёшдаги ўғил болаларда 1,47 (46,8%) марта ортади. ЎЭЮК эса 5 (8,2%) ва 7 (12,7%), ёшда, ЎЭПК эса 4 (1,0%) ва 12 ёшда (0,7%) ёшдаги болаларда аниқланди. Пешонанинг кўндаланг ўлчами ҚДнинг I тури билан оғриган 3–12 ёшдаги эркак жинсидаги болаларда 1,33 марта (32,6%)га ортади. ЎЭЮТ 5 (7,5%) ва 8 (6,7%) ёшли болаларда, ЎЭПТ эса 4 (1,1%) ва 9 (0,9%) ёшли болаларда кузатилади. Бироқ 9–10 ёшли болаларда ўртача ўлчов кўрсаткичлари ўзгаришсиз холатда бўлади. Тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқланди, ҚДнинг I тури билан оғриган 3–12 ёшдаги эркак жинсидаги болаларда бошнинг вертикал диаметри 1,35 марта (34,7%)га ортади. ЎЭЮТ кўрсаткичлари эса 5 (7,0%) ва 12 (4,6%) ёшдаги болаларда, 4 ёшда эса камроқ (1,0) кузатилди. Ёнок диаметри ҚДнинг I тури билан оғриган 3–12 ёшдаги ўғил болаларда 1,17 марта (16,9%) ортиши аниқланди. ЎЭЮТ 5 (3,8%) ва 6 (4,9%) ёшдаги болаларда, ЎЭПТ эса 10 (1,1%) ва 12 (1,1%) ёшдаги болаларда кузатилди. Аммо ўртача ўлчам кўрсаткичлари 7–8 ва 10–11 ёшдаги болаларда ўзгаришсиз қолди. Қуий жағ диаметри ҚДнинг I тури билан оғриган 3–12 ёшдаги ўғил болаларда 1,38 марта ошади (38,2%). ЎЭПТ 6 (6,9%) ва 7 (8,1%) ёшдаги болаларда, ЎЭПТ эса 4 (1,8%) ва 12 (1,3%) ёшдаги болаларда кузатилди. Бироқ ўртача кўрсаткичлар 9–10 ёшдаги болаларда ўзгаришсиз қолди.

Болаликнинг биринчи ва иккинчи даврида (3 ёшдан 12 ёшгacha) краинометрик соҳадаги тадқиқ қилинган 7 та морфометрик параметрлардан энг юқори ўсиш кўрсаткичи қандли диабетнинг биринчи типи билан оғриган эркак жинсидаги болаларда энг юқори ўсиш кўрсаткичлари бошнинг кўндаланг ўлчами бўйича (1,47 марта), бошнинг вертикал диаметри (1,35 марта) ва қуий жағ диаметрида (1,38 марта) кузатилди. Ушбу 7 та параметр бўйича ўсишнинг энг паст кўрсаткичлари бош айланаси бўйича (1,16 марта), бошнинг кўндаланг диаметри (1,17 марта) ва ёнок диаметри (1,17 марта) кўрсаткичларини кўрсатди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бош суюгининг айланаси ҚДнинг I тури билан оғриган 3–12 ёшдаги қизларда 1,15 марта ортиши (14,7%) аниқланди. ЎЭЮТ 6 (2,5%) ва 7 (2,0%) ёшда, ЎЭПТ эса 9 (1,0%) ва 12 ёшда (0,2%) ёшдаги болаларда кузатилди.

Бош суягининг бўйлама диаметри ҚДнинг I тури билан оғриган 3–12 ёшдаги қизларда 1,07 мартага (7,0%)га ортиши аниқланди. ЎЭЮТ 4 (1,4%) ва 11 (2,7%) ёшдаги болаларда аниқланган бўлса, ЎЭПТ эса 6,8,9,10, 11 ёшдаги болаларда бир ҳилдаги натижани, яъни 1,007 мартани кўрсатди. Аммо 4–5, 6–7, 11–12 ёшлар оралиғида ўртача ўлчам ўзгаришсиз холда қолади.

Тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, бошнинг кўндаланг ўлчами ҚДнинг I тури билан оғриган 3–12 ёшдаги қиз болаларда 1,33 мартага (32,6%) ортади. ЎЭЮТ 6 (5,0%) ва 7 (6,7%) ёшдаги болаларда, ЎЭПТ эса 5 (2,0%) ва 10 (2,5%) ёшдаги болаларда кузатилади. Аммо 11–12 ёшдаги болаларда ўртача ўлчам ўзгаришсиз холда бўлади.

Пешонанинг кўндаланг ўлчами ҚДнинг I тури билан оғриган 3–12 ёшдаги қизларда 1,21 мартага (20,9%) ортади. ЎЭЮТ 4 (4,4%) ва 6 (3,1%) ёшдаги болаларда, ЎЭПТ эса 7,8,9 ёшдаги болаларда бир ҳил натижани кўрсатади (1,0%).


Тадқиқотларда бошнинг вертикал диаметри ҚД I тури билан оғриган 3–12 ёшдаги қизларда 1,17 мартага (17,5%) ортади. ЎЭЮТ 4 (3,1%) ва 11 (2,8%) ёшдаги болаларда кузатилса, ЎЭКТ эса 7, 8 ёшдаги болаларда бир ҳил натижани кўрсатди (1,0%).

ҚД I тури билан оғриган 3–12 ёшдаги қизлардаги ёноқ диаметри кўрсаткичини 1,15 мартага (14,8%) ортиши аниқланди. ЎЭЮТ 6 (3,6%) ва 12 (3,3%) ёшдаги болаларда, ЎЭПТ эса 8,9,10, ёшдаги болаларда кузатилди (1,1%). Аммо ўртача ўлчам 4–5 ва 10–11 ёшдаги болаларда ўзгаришсиз қолди.

ҚД I тури билан оғриган 3–12 ёшдаги қизлар қуий жағ диаметри 1,33 мартага ортади (33,3%). ЎЭЮТ 4 (7,0%) ва 8 (6,0%) ёшдаги болаларда, энг паст темпи эса 11 (1,4%) ва 12 (2,7%) ёшдаги болаларда кузатилади. Аммо ўртача ўлчамлар 8–9 ёшдаги болаларда ўзгаришсиз қолади (1 расм).

З ёшдан 12 ёшгacha бўлган, ҚДнинг I тури билан оғриган қизларнинг краниофашиал соҳа морфометрик параметрларини ўрганиш шуни кўрсатди, уларда энг юқори ортиш кўрсаткичи бўлиб, бош суягининг кўндаланг ўлчами 1,33 марта) ва қуий жағ диаметри ҳисобланади (1,33 марта). Ушбу 7 та параметр бўйича ЎЭПТ бош суягининг кўндаланг диаметри ўлчамларига мос келиб, у (1,07 мартани), бош суягининг айланаси ва ёноқ диаметри бўйича эса (1,15 мартани) ташкил этади.

З ёшдан 12 ёшгacha бўлган ҚДнинг I тури билан оғриган ўғил болаларнинг антропометрик параметрларини худди шу ёшдаги ҚДнинг I тури билан оғриган қизларнинг параметрлари билан солиштириш шуни кўрсатди, бош суяги айланаси, бош суягининг кўндаланг диаметри, бошнинг кўндаланг ўлчами, пешонанинг кўндаланг ўлчами, бошнинг вертикал диаметри, ёноқли ва қуий жағ диаметри кўрсаткичларини ўсиш темпи бўйича параметрлари қизларга нисбатан ўғил болаларда юқори натижаларни кўрсатди. З дан 12 ёшгacha бўлган ҚДнинг I тури билан оғриган болалардаги антропометрик параметрлардан бош ва юз кўрсаткичлари ўғил болаларда қизларга нисбатан юқори натижаларни кўрсатади.



**1-расм.** 8–12 ёшли соғлом ва қандли диабет билан хасталанган болаларнинг пастки жағ диаметри күрсаткичларининг солишиштима таҳлили

Мазкур бўлимда болаларнинг суюк ёши тўғрисидаги маълумотлари ҳам келтирилган. Шу нарса аниқландики, эркак жинсидаги соғлом болаларда 3 ёшдан бошлаб, чап қўл бармоғи уч қиррали суюкчасининг суюкланиш ядролари аниқланади, 4 ёшида яримойсимон суюк, 6 ёшида бармоқнинг катта кўп бурчакли суюги, 7 ёшида эса кичик кўп бурчакли суюк аниқланади. 8 ёшида суюкланиш ядроси тирсак суюгининг эпифизида пайдо бўлади, 9 ёшида эса чап тирсак суюги эпифизининг бигизсимон ўсимтасида, 11 ёшида эса нўхотсимон суюкчада суюкланиш ядроси аниқланади. Аёл жинсидаги соғлом болаларда суюкланиш ядросини пайдо бўлиш муддати, соғлом үғил болалар кўрсаткичлари билан бир ҳил натижани кўрсатди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, қандли диабетнинг биринчи типи билан оғриган эркак жинсидаги бемор болаларда 3 ёшдан скелет тизимидағи суюкланиш ядролари фақат кафтнинг бош ва илмоқли суюкчаларида аниқланса, чап кафт бармоқларидағи уч қиррали суюкчанинг суюкланиши фақат боланинг 4 ёшга тўлганда аниқланади. Бола 5 ёшга тўлганда яримойсимон суюкчаларда суюкланиш ядролари пайдо бўлади. Бола 8 ёшга тўлганда эса кафтнинг катта ва кичик кўп қиррали суюкчаларида суюкланиш ядроси пайдо бўлса, 9–10 ёшга тўлганда чап суюк эпифизида суюкланиш ядролари пайдо бўлади, 11–12 ёшга келиб эса, тирсак суюги эпифизи бигизсимон ўсимтасида суюкланиш ядролари пайдо бўлади. Боланинг 12 ёшида нўхотсимон суюкларда хали суюкланиш ядролари пайдо бўлмайди.

